



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRINING
B U Y R U G ' I**

20 21 yil " 07 " 12

№ 277

Toshkent sh.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 ноябрдаги
“2022-2023 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон маъмурий
ислохотлари дастурини ишлаб чиқиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар
тўғрисида”ги Ф-5-сонли фармойиши ижросини таъминлаш
чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 ноябрдаги “2022-2023 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотлари дастурини ишлаб чиқиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ф-5-сонли фармойиши ижросини таъминлаш мақсадида **буюраман**:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 ноябрдаги “2022-2023 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотлари дастурини ишлаб чиқиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ф-5-сонли фармойиши (кейинги ўринларда - Фармойиш) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, Республика комиссияси раиси томонидан тасдиқланган (01-12/1-2894-сон 30.11.2021й.) 1-сонли баён раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Мазкур фармойиш билан 2022-2023 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотлари дастурини ишлаб чиқишни мувофиқлаштирувчи республика комиссияси таркиби ҳамда унинг асосий вазифалари белгиланганлиги, шунингдек 6 та ишчи гуруҳлар тузилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Фармойиш билан тасдиқланган Комиссия ва Ишчи гуруҳларнинг сўровларига кўра маълумотлар тайёрлаш ва ўз муддатларида тақдим этилишини ташкиллаштириш бўйича вазирнинг биринчи ўринбосари А. Иноятов масъул этиб белгилансин.

4. Заруриятга кўра йўналишлар бўйича маълумотларни тайёрлаш ва таклиф лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича қуйидагилар масъул этиб белгилансин:

Соғлиқни сақлаш тизимида давлат бошқаруви органларининг мақомини белгилаш, тузилмаларини такомиллаштириш ва штат бирликларини мақбуллаштириш юзасидан – Йиғма ахборот-таҳлил бошқармаси (Мўминов), Иқтисодиёт ва молия бош бошқармаси (Максудов) ва Юридик бошқарма (Юсупова);

Соғлиқни сақлаш тизимида Давлат бошқаруви органлари фаолиятида рақамли технологиялар, очиклик ва давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш юзасидан – вазир ўринбосари А. Азизов, Соғлиқни сақлаш тизимини рақамлаштириш бўлими (Зиёдуллаев) ва Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш бошқармаси (Эшназаров);

Соғлиқни сақлаш тизимида давлат бошқаруви органларининг моддий-техника таъминотини такомиллаштириш юзасидан – вазир ўринбосари У. Сабилов ва Соғлиқни сақлаш тизими инфратузилмасини ривожлантириш, уларни эксплуатация қилиш ва транспорт ҳисобини юритиш бошқармаси (Бўриев);

Соғлиқни сақлаш тизимида Давлат бошқаруви органларининг кадрлар салоҳиятини такомиллаштириш юзасидан – Кадрлар бошқармаси (Ёқубов) ҳамда Фан ва таълим бошқармаси (Махмудов);

Соғлиқни сақлаш тизимида Давлат бошқаруви органларида коррупциянинг олдини олиш юзасидан – Комплаенс, ички аудит ва молиявий назорат хизмати (Джуманов).

5. Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқлари Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотлари дастурини ишлаб чиқиш жараёнида зарур бўлган маълумотларни ўз муддатларида тақдим этиб борилишини ҳамда асосланган таклифлар тақдим этилишини таъминласинлар.

6. Ушбу буйруқ ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Вазир



Б. Мусаев